### ИСТИҚЛОЛ ОДАМЛАРИ

# ИШЛАГАНИ КЕЛГАН РАИС

Ҳамидулла Файзиев «Зарафшон» жамоа хўжалигига раис бўлиб келганида 1994 йилнинг қиши адоғлаб қолган эди. Бу янгилик одамларда таажжуб уйғотмади. Чунки, жамоа хўжалигининг кўп йиллар сурункасига пахта режасини бажармаслиги, кадрлар қўнимсизлиги-йил-йиларо раиснинг, бош мутахассисларнинг ўзгариши, аммо мавжуд аҳволнинг ўзгармаслиги одамларда тушкунлик, ишончсизлик кайфиятини таркиб топтирган эди.

Кўп йиллар туманда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келганлиги қўл келди, янги раиснинг. Ўз вақтида илғор, ҳозирги кунда нафақада бўлган бригада бошлиқларини тўплади. Уларнинг фикрини олмоқчи бўлди.

Жуссаси меҳнатда қотган, сочларига, қошларига оқ оралаган, ораста кийинган бир киши ўрнидан туриб, ҳассасига суянганча, томдан тараша тушгандек, гапнинг индаллосини айтди-қўйди:

— Раис бува, бу ерга ишлагани келдингизми ёки пул топгани?

Раисдан: «Мен бу ерга ишлагани келдим, ёрдамларингиз керак», деган жавобни олгач, сўзида давом этди:

— Ишлагани келган бўлсангиз, ишнинг ўзига яраша машаққатлари бўлади. Шунга чидай олсангиз, иш олдинга силжиши мумкин, акс ҳолда сиз билан ҳам хайрлашишга тўғри келади. Сиздан олдинги курсидошларингиз идорадан чиқмай хўжаликни бошқарди. Раиснинг назорати бўлмаган жойда иш бўладими, раиснинг қадами тегмаган жойда пахта унадими?

Яна кимлар нима деди, раиснинг қулоғига кирмади. Лекин юқоридаги гаплар хотирасига муҳрланиб, қолди. Қоронғида чироқ топган кишидек ич-ичидан севинди. Ҳаёт, меҳнат фалсафасини топгандек бўлди.

Жамоа хўжалиги ҳудудини тўлиқ айланиб чиқишга роппа-роса бир ҳафта кетди. Озгина жой дейсизми — қуйидан Зарафшон дарёси бўйлари-ю, юқоридан Оқсоқолота кенгликларигача! Манзара беш қўлдек аён бўлди: дарё бўйидаги 800 гектар ернинг 50 фоиз, дашт ерларининг ҳам маълум қисмини шўр босиб кетган. Зовурлар ўн йиллар давомида қазилмаган, бу ҳол далаларни шўр босишига, ер таркибининг ўзгариб кетишига сабаб бўлган. Натижада пахта кеч пишган, тўлиқ ниҳол олинмаган.

Раис ишни зовурларни қазишдан бошлаш керак, деган хулосага келди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан иккита экскаватор сўраб олди. Шу йилнинг ўзидаёқ қарийб 50 фоиз, яъни 30 км. узунликдаги зовурларни тозалашга эришилди. Кейинги йилда иш тўлиқ якунланди. Бу иш бирдан ўз самарасини берди. Ўша йилнинг ўзидаёқ 1200 тоннадан зиёд пахта ҳосили олинди. Режа 114 фоизга бажарилди. Ҳосилдорлик 28 центнерни ташкил этди. 1993 йилда эса бор-йўғи 13 центнердан ҳосил олинган эди.

Ғаллачилик бўйича ҳам қарийб шунақа манзара эди. Олдинги йилларда бу соҳага эътиборсизлик шу даражага бориб етганки, 300 гектар ер умуман ҳайдалмай қолган, 160 гектар ерга уруғ сепилмаган. Натижада давлат режаси барбод қилинган, одамлар иш ҳақига бир килограмм ҳам буғдой олишмаган.

Мазкур аҳвол зудлик билан ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Экилмаган жойларга баҳорда бўлса ҳам уруғ сепилди. Натижада 5452 тонна ғалла хирмони уюлиб, давлат режаси бажарилди.

Шу-шу бўлди-ю, ишлар ўнгланиб кетди. Жамоа хўжалиги йил сайин юксала борди. Ҳар йили пахта ва ғалла режалари ошириб бажарилиб келинди. Ҳосилдорлик пахтадан қарийб 29, ғалладан 30 центнерга етди.

1998 йилнинг баҳори серёмғир келди. Тип-тиниқ осмон зум ўтмасдан хира тортиб, паға-паға булутлар гуррос-гуррос бостириб келабошлайди. Бир пастда ҳамма ерни шалаббо қилади.

Баҳорнинг шу йилги тошқинли кунларидан бирини одамлар зўр ҳаяжон билан хотирлашади. Ўшанда Оқтов ён бағирларидан бошланувчи сойлар тўлиб-тошиб пастликка — туман маркази ва жамоа хўжаликларига томон аёвсиз бостириб кела бошлади. Четки ҳудудини кўз илғамас далаларда тиззага келадиган сув оқиб ўтди! Бунақасини ҳали одамлар кўрган эмас! Уйлару, оғилларнинг бир томонидан кириб иккинчи томонидан чиқиб кетди. Бор-шудни ўз ҳамласига олди. Яхшиямки, жонга зиён бўлмади.

Шу куни тушга томон сел пасайгач, туман ҳокими йўл-йўлакай хўжаликларнинг аҳволи билан таниша борди. «Зарафшон»га етгач, жамоа бошқаруви раиси Ҳамидулла Файзиев ҳокимга бир тобоқ дўл билан пешвоз чиқди. Ҳозиргина ёққан дўл нақ қуртдек келарди!

Фалокатлар бу билан ҳам тугамади. Айниқса, шу «Зарафшон» жамоа хўжалигида. Навбаҳор тумани ҳудудидан бошланадиган Шўрча, Оқсоқолота сойлари бир неча марта тошиб даштдаги пахталарни сув босиб кетди. Май ойининг охирида Зарафшон дарёси тошиб, 60 гектар ғалла, 20 гектар пахта сув остида қолди. Булар ҳам етмагандай 8 августда кучли дўл бўлиб, пахтанинг гул ва кўсакларини тушириб кетди. Жами 1232 гектарга чигит қайта экилди. Охирги чигит май ойининг ўрталарида қадалди.

Барча қийинчиликларга қарамасдан бу йил ҳам яна зафар марраси эгалланди. Табиатнинг қалтис табиати бободеҳқонни яна бир бор синаб кўрди. Бу йил мустақил Ватанимиз зарафшонликлардан 4800 тонна оқолтин қабул қилиб олди.

Мана беш йилдирки, хўжалик барча соҳалар бўйича давлат режаларини ошиғи билан бажариб келади. Бу ҳол ижтимоий ҳаётга ижобий ўзгаришлар олиб келди: халқ ойма-ой ўз маошларини оляпти. Уч ойлик иш ҳақи учун 444 тонна ғалла тарқатилди. Хўжаликка узоқ масофадан газ тортиб келинмоқда. Ҳозиргача 27 миллион сўмлик иш бажарилди. 4-бўлим хонадонлари бугунги кунда зангори олов тафтидан баҳраманд бўлмоқда. Яқин кунларда хўжалик марказига ҳам газ келади. Қолган бўлимларни газлаштириш келгуси йилга мўлжалланган.

Бу йил 3 миллион сўмлик қишлоқ амбулаторияси ишга туширилди. Икки йил давомида хўжаликдаги барча йўллар асфальтланди. Навоий «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда суткасига 3000 шартли банка тайёрлайдиган кичик томат, сок заводи ишга тушиш арафасида. Заводга Швеция технологияси олиб келинган.

**Зиёвуддин ҚЎЗИЕВ,**
**Хатирчи тумани.**







*Жорий йилнинг декабрь ойида Тошкент Гидрометеорология Техникуми ташкил қилинганлигига 50 йил тўлди. У Марказий Осиёда ягона эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.*

*Ўқув юрти, ўтган ярим аср мобайнида минглаб метеоролог, гидролог, агрометеоролог ва радиотехник-метеоролог сингари мутахассисларни етиштирди. Мазкур даргоҳни битириб чиққан мутахассислар айни пайтда жаҳоннинг йигирмага яқин мамлакатларида фаолият кўрсатмоқдалар. Энг қувончлиси, 1994 йилнинг июль ойида Бутун жаҳон метеорология ташкилотининг ижроия кенгашда мазкур ўқув юртига ўрта Гидрометеорология ходимлари тайёрлайдиган минтақавий метеорология ўқув маркази мақомини берди. Шу боис айни пайтда бу ерда Марказий Осиё ва яқин шарқ мамлакатлари учун ҳам мутахассислар тайёрланмоқда.*

СУРАТЛАРДА: Ўқув маркази фаолиятидан лавҳалар.

**Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЎН МИНГИНЧИ КИТОБХОН

Тошкент Давлат юридик институтининг инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Марказининг очиқ кутубхонасини инсон ҳуқуқлари муаммоларига бўлган қизиқишни ўлчовчи барометр деса бўлади. Сўнгги пайтларда ушбу кутубхонага кўпинча ёшларнинг, айниқса, фақат мазкур институтнинг эмас, балки бошқа олий ўқув юртларининг ҳам талабалари қатнаши қувончлидир. Яқинда бу ерда муҳим воқеа — кутубхонанинг ўн мингинчи китобхони келгани нишонланди. Аниқроғи, Тошкент Давлат педагогика университети ҳуқуқ тарихи факультетининг биринчи курс талабаси Марина Савельева кутубхонанинг ўн мингинчи китобхони бўлди.

— Мен инсон ҳуқуқларига доир адабиётларга бой бўлган бундай кутубхонани биринчи бор кўришим, — дейди Марина. — Кутубхона тўғрисида матбуотдан билдим. Ушбу кутубхона ҳақиқатан ҳам ўз номига лойиқ, чунки инсон ҳуқуқлари билан қизиққан ҳар бир киши учун кутубхонанинг эшиги очиқ. Кутубхонанинг ажойиб қироатхонаси бор. Энг асосийси — инсон ҳуқуқларига оид энг янги ва замонавий адабиётларга бой, шунингдек, жаҳоннинг турли мамлакатларида нашр қилинган адабиётлар ҳам жуда кўп. Мени қизиқтирган ҳуқуқ тарихи масалалари бўйича барча ахборотни топдим. Бундан ташқари бу ерда Интернет тизими орқали ҳам ахборот олиш имконияти яратилган. Бундай кутубхона ўқиш учун катта ёрдам беради, айниқса, менга у инсон ҳуқуқлари бўйича кўп қиррали билим олишимга ёрдам беради. Ҳозирги пайтда бу соҳадаги билимлар жуда зарур.

**(ЎзА).**

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАР

Сирдарё вилояти «Тадбиркор» аёллар уюшмаси республикамиздаги энг кенжа ташкилот. Республика «Тадбиркор» аёллар ассоциациясининг қўллаб-қувватлаши билан тузилган ушбу ташкилот ҳозирга қадар ўттиздан зиёд тадбиркор аёлни бирлаштирди. Қисқа давр мобайнида бошловчи тадбиркорларнинг икки ҳафталик ўқуви ташкил этилиб, уларга бизнес оламининг сир-синоатлари ўргатилди.

Уюшма ташкил этилгач, ишимизда сезиларли ижобий ўзгаришлар кўзга кўриниб қолди, — дейди уюшма раиси Г. Мамаева. — Тадбиркор аёлларимиз ўртасида ҳамкорлик ришталари боғланди, бир-биримизнинг ютуқ ва камчиликларимизни муҳокама қилиш имкони туғилди.

Ҳозирда миллий ҳунармандчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлардан тўрт нафари Ҳиндистон, деҳқончилик билан шуғулланувчи икки нафар фермер аёл Исроил давлатларига бориш учун сафар тадоригини кўришаётир. Тадбиркор аёллар хориждаги ҳамкасблари билан тажриба алмашиш ниятидалар.

Шунингдек, «Тадбиркор» уюшмаси қошида чет тилларни, компютер сир-синоатларини ўргатувчи курслар ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Ажабмаски, яқин орада сирдарёлик аёллар тиккан қуроқлар, кашталар, сўзаналар гиламчалар хорижликлар хонадонидан ҳам ўрин олса.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РЕКЛАМА ҲАҚИДА ЎЙЛАР

***«Реклама» сўзи ва тушунчаси аввалари бевосита ғарб ҳаёт тарзи билан боғланар, қандайдир мавҳум ва нотаниш туюлар эди. Давр ўзгармоқда. Ҳозир бу сўз барча касб ва ёшдаги кишиларга таниш бўлиб унга муносабат ҳам турлича. Унга қаршилар ҳам, истеҳзо билан қаровчилар ҳам топилади. Рекламани ёқтиришлари ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Аммо эндиликда ҳаётимизни рекламасиз тасаввур қилиш қийин: эрталаб юз-қўлларимизни совун билан юваётганда ёки тиш пастаси билан тишни тозалаётганда шу маркадаги маҳсулот ҳақидаги реклама қўшиқларини ёки оҳанграбо гапларни беихтиёр айтиб, хиргойи қилиб юборганимизни сезмай қоламиз.***

***Радио ёки телевизорни қўйиш билан беихтиёр реклама таъсирига тушиб қоламиз. Қарийб тўрт йилдирки, Ўзбекистон ҳам реклама ўчоғига айланиб қолди. Реклама тўлдирилган кўчалар, чарақлаган дўкон ойналари кўзни қамаштиради, кўчаларда асосан хорижий савдо маркаларини реклама қилувчи рангдор трамвай ва троллейбуслар қатнамоқда.***

***Тошкент кўчаларида билбордлар (реклама шитлари) пайдо бўлди. Унда нуроний отахонларимизнинг бир пиёла чой устида суҳбатлашаётганлари акс эттирилган. Секин-аста бизнинг рекламамиз ҳам ўзбекона шаклга кирмоқда. Биз учун янги бўлган бизнеснинг бу соҳасида ҳам дастлабки муҳим натижалар қўлга киритилмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз «Орият» реклама агентлиги директори Шуҳрат Йўлдошев билан суҳбатда бўлди.***

# ЭРТАМИЗ БУГУНГА БОҒЛИҚ

***— Шуҳрат Юсупович, яқинда Москвада VIII Халқаро Реклама Фестивали бўлиб ўтди. Сизлар суратга олган телевизион ролик фахрли иккинчи ўринни эгаллаганлиги билан жамоангизни табриклайман. Демак, жамоангиз маҳсулоти нафақат сифатли, балки рақобатбардош ҳам экан! Марҳамат қилиб, фестиваль таассуротлари билан ўртоқлашсангиз.***

— Табригингиз учун ташаккур, фикримча, шу муносабат билан барча ўзбекистонликларни табрикласак арзийди. Чунки, бу ўта жиддий рекламалар фестивалида Ўзбекистон вакилларининг илк ютуғидир. Ўтган икки йилда бизнинг агентлигимиз бу фестивалда фақатгина меҳмон сифатида иштирок этди. Бунда биз профессионалларнинг қандай қилиб реклама тайёрлаётганликларини кўрдик, усулларини ўргандик, ҳар хил реклама жабҳаларида тажриба орттирдик. Ўтган уч йил ичида «Орият» реклама агентлиги ижтимоий реклама деб номланган лойиҳани амалга оширмоқдаки, бу соҳадаги илк тажрибаларимиз самарали бўлди. Яратган рекламаларимиз эътибордан четда қолмаяпти.

Энди бевосита фестиваль ҳақида. Жаҳондаги маълум ва машҳур реклама ишлаб чиқарувчилар орасида бу фестиваль йилда бир маротаба Москвада ўтказилади. Фестивалнинг кўлами ҳақида тассуротга эга бўлишингиз учун унда қатнашувчиларни айтиб ўтсам, булар хорижий йирик сармоядорлар — «Mc Cann —Ericson", "ДМВ - I", "Saatchi A So "GREY"" Шунингдек, москвалик машҳур профессионаллар: «Премьер-СВ», «Видео интернешнл», «Империал-фильм».

Фестивалда дунёдаги ўттиз мамлакат вакиллари иштирок этишди, телевизион реклама танловига 240та видеоролик ҳавола қилинди. Бизнинг ютуғимиз шунинг учун ҳам диққатга сазоворки, биринчи марта иштирок этганимизнинг ўзидаёқ, муваффақиятга эришдик. Бу совриннинг юртимизда равнақ топаётган реклама бозорига агентлигимиз қўшган камтарин улуш сифатида баҳоланишини истардим. VIII Москва Фестивалида Тошкент Халқаро Бизнес маркази вакиллари бизнинг агентлигимизни қўллаб-қувватлашди. Фестиваль ташкилий қўмитаси томонидан уларга «Реклама бозори равнақига қўшган ҳиссаси учун» махсус ташкилий соврин топширилди. Шуни ғурур билан айтиш мумкинки, биз бирбиримизнинг ютуқларимиздан фахрландик. Зеро, Бизнес Марказ ва агентлигимиз олган совринлар — бу умумий ишимиз учун берилган баҳодир.

***— Кўпинча реклама берувчиларнинг реклама ишлаб чиқарувчилар ҳақидаги фикри бир-бирига қарама-қарши эканлигини эшитишга тўғри келади. Сиз реклама ва реклама берувчилар муносабати тўғрисида гапириб берсангиз.***

— Авваламбор,бугунги кунда реклама бериш зарурияти ҳақида гапириш керак. Бунга сабаб шуки, реклама кўпинча товарлар ва хизматлар тўғрисидаги ягона ва жуда осон маълумот манбаи ҳисобланади. Чунончи, бозорда товарлар ва хизматлар сероблигидан реклама оммавий истеъмолчилар учун ягона мўлжалдир.

Авваллари иқтисодиётдаги ягона қўмондонлик шароитида, реклама ўзининг вазифасини мутлақо бажара олмади. Шунинг учун ҳам, психологик нуқтаи назардан бизнинг ишбилармонларимиз бизнесда ишлаб чиқариш ва рекламага арзимас белги сифатида қарамоқдалар. Мени, рекламачи сифатида, маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг реклама учун бюджетдан оз миқдорда маблағ ажратиши ташвишга солмай қўймайди. Мана шу ажратилган озгина маблағ ҳам гоҳида ўйламасдан бебилиска ишлатилмоқда. Албатта, кўпинча рекламаларимиз хира, бир хилда, таъсирчан эмас, деган фикрларни эшитиш мумкин. Бу айтилган сўзлар кўпгина ҳолларда ўринли бўлиб, ҳақиқатан ҳам аксарият ҳолларда рекламалар ўткинчи маълумот ёки ахборот тарзида берилади. Маълумотлар оддий кўринса-да, барча сир уни одамларга қай тарзда етказиб берилишидадир.

Реклама ҳам санъатнинг бир тури. Қимматга эга нарса рекламага сарфланган маблағ эмас, балки унинг заъмирида ётган ғоя ҳисобланади.

***— Хулоса қилиб айтганда, фақат хорижий агентликларнинг реклама соҳасидаги андозалари, ечимлари билан ишлайверсак, ўзимизнинг ижодимизга, изланишларга имкон қолади ми?***

— Албатта, ҳозирги вақтда маблағ камлиги туфайли жуда кўп лаёқатли ижодкорларнинг фикрларини рўёбга чиқариш учун етарлича имконият йўқ. Афсуски, бу жиддий муаммо, шу туфайли ҳам фольклор элементларидан фойдаланиб, ўзимизнинг миллий урф-одатларимиз асосида реклама яратиш ҳақида гапириш керак. Барчага тушунарли ва яқин персонажлар яхши қабул қилинади.

Реклама — инсон назаридан четда қолмайдиган ишончли коммуникация воситасидир. Демак, бизнинг вазифамиз яхши реклама орқали товарларга нисбатан ишонч ва дўстона алоқалар ўрнатишга хизмат қилишдан иборат. Товарми ёки хизмат турими, бундан қатъий назар, у тушунарли, яқин ва ҳатто, қадрли бўлиши керак. Очиғини айтганда, бир хил тартибли, уларда «кўрилган» ва бизларнинг шароитга «мосланган» реклама менинг дидимга ўтирмайди. Хеч қандай қобиққа ўралмаган, эркин фикр, ғоя, асар — бу муваффақият гарови!

Ҳеч нарса оддийлик каби инсонга манзур бўлмайди.

Машҳур иборани эсланг: «Буюклик — оддийдир». Инсон ҳар куни савоб иш қилиши керак, нафақат ўзи учун, балки ўзининг яқинлари, қолаверса бутун халқига. Бу баландпарвоз сўзлар эмас...

Сиз билан бизнинг эртанги кунимиз эса, маҳаллий товарларнинг бугун қандай реклама қилинаётганлигига боғлиқ. Реклама даражаси, савиясига қараб, бизнинг маданиятимиз тўғрисида фикр юргизиш мумкин.

**А. ИНИНА.**

## МАКЕДОН КЎПРИГИ

Сурхондарёнинг Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманлари ҳудуди туташган жойда қадимий кўприк бор. У тошқин, сел вақтида қирғоқларига сиғмай қоладиган катта сой устига қурилган. Кўприк бир томонлама қатновга мўлжалланган. Қурилиш материаллари - ўта пишиқ тўрт бурчак ғишт, оҳак, алебастр, ёғоч ва қум. Ярим ой шаклидаги бу кўприкни маҳаллий аҳоли Александр Македонский кўприги ёки "Македон" деб атаса-да, унинг Искандар Зулқарнайнга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, кўприк Бухоро хони Абдуллахон томонидан ўн олтинчи асрда қурдирилган. У Буюк ипак йўли устида бўлиб, юртимиздан Афғону Ҳинд сари йўл олган карвонларга хизмат қилган.

**Ч. ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**


Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасининг барча электр таъминоти абонентлари диққатига!

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси 1998 йил якунларига кўра, фойдаланилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаган абонентлар ўртасида ўзининг ютуқли ўйинини ўтказади.




Сиз лотерея билетлари сотиб олишга маблағ сарфлашингиз ёки олтита номерни топишингиз шарт эмас.
Ҳар бир абонент мукофот соҳиби бўлиши мумкин.
Чунки, ушбу ўйинда барча абонентлик дафтарчаларининг рақамлари, яъни Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасининг барча абонентлари ҳисоб-китоб рақамлари қатнашади.
Мукофот шу йилнинг 31-декабригача фойдаланилган электр энергия ҳақини ўз вақтида тўлаган, барча қарзларини узган абонентгагина топширилади!

Маълумот учун телефонлар: 133-82-03, 136-60-32.

11@1238

